

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллоевич

Бухоро давлат педагогика институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13325023>

КИМ У ЖАНОБ КИССИНЖЕР – ТИНЧЛИК ҒОЯСИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНДИ ? ЁХУД ГЕНРИ КИССИНЖЕР ҲАЁТИ ВА ҒОЯЛАРИГА ЧИЗГИЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу кичик мақолада америкалик давлат арбоби, дипломат ва халқаро муносабатлар бўйича йирик эксперт Генри Альфред Киссинжернинг ҳаёт йўли, илмий тадқиқотлари, сиёсий фаолияти кенг ёритилди. Хусусан, халқаро сиёсат ва жаҳон сиёсатида тинчлик парадигмасини шакллантиришдаги ўрни ва роли кўрсатиб ўтилди. Г.Киссинжернинг айрим ғоялари, ҳаётининг муҳим деб топан фикр-мулоҳазалари унинг фаолияти билан боғланган ҳолда тадқиқ этилди. Сиёсат фанининг глобал масалаларига ҳам урғу берилди. Ушбу мақолада ҳар хил сиёсий биографларнинг асарлари ва интернет сайтларидаги муносабатларидан ҳам фойдаланилди, уларни адабиётлар рўйхатида кўрсатиб ўтдик.

Калит сўзлар: эксперт, халқаро сиёсат, ташқи сиёсат, АҚШ, миллий хавфсизлик, халқаро кескинлик, халқаро кесинликни юмшатиш, музокара, дипломатия, тинчлик.

КТО ТАКОЙ Г-Н КИССИНДЖЕР – КАК ФОРМИРОВАЛСЯ ИДЕЯ МИРА? ИЛИ ОЧЕРКИ ИЗ ЖИЗНИ И МЫСЛЕЙ ГЕНРИ КИССИНДЖЕРА

АННОТАЦИЯ

В этой небольшой статье широко освещен жизненный путь, научные исследования и политическая деятельность Генри Альфреда Киссинджера, американского государственного деятеля, дипломата и крупного специалиста по международным отношениям. В частности, было показано место и роль в формировании парадигмы мира в международной политике и мировой политике. Некоторые идеи и мнения Г. Киссинджера, считавшиеся жизненно важными, изучались в связи с его деятельностью. Также были подчеркнуты глобальные проблемы политической науки.

В данной статье также использованы труды различных политических биографов и их отклики в Интернете, которые мы указали в библиографии.

Ключевые слова: эксперт, международная политика, внешняя политика, США, национальная безопасность, международная напряженность, разрядка международной напряженности, переговоры, дипломатия, мир.

WHO IS MR. KISSINGER - HOW WAS THE IDEA OF PEACE FORMED? OR SKETCHES ON THE LIFE AND THOUGHTS OF HENRY KISSINGER

ANNOTATION

In this small article, the life path, scientific research, and political activities of Henry Alfred Kissinger, an American statesman, diplomat and major expert on international relations, were widely covered. In particular, the place and role in the formation of the peace paradigm in international politics and world politics was shown. Some of Kissinger's ideas and opinions considered vitally important were studied in connection with his activities. Global issues of political science were also emphasized. This article also used the works of various political biographers and their relations on the Internet, which we have indicated in the bibliography.

Key words: expert, international politics, foreign policy, USA, national security, international tension, international de-escalation, negotiation, diplomacy, peace.

Генри Альфред Киссинджер (инг. Henry Alfred Kissinger)нинг асл исми Хайнц Альфред Киссингер (нем. Heinz Alfred Kissinger) бўлиб, у 1923 йил 27 май куни Веймар Республикаси, Бавария ери, Фюрт шаҳарчасида диний еврей оиласида туғилган.

Г.Киссинджер америкалик давлат арбоби, дипломат ва халқаро муносабатлар бўйича йирик эксперт ҳисобланади. Дунё тан олган энг машхур сиёсатшунос олимлардан биридир. АҚШ Президентлари Ричард Никсон ва Жералд Форд даврида АҚШнинг 56 – Давлат Котиби (АҚШда Давлат Котиби бошқа давлатлардаги ташқи ишлар вазиридир) – 1973 йил 22 сентябрдан – 1977 йил 20 январигача. Давлат Котибилигидаги олдинги вазифадоши Уилям Рожерс, Г.Киссинжердан кейинги Давлат Котиби Сайрус Вэнс бўлган. Г.Киссинджер 1969 йил 20 январдан 1975 йил 3 ноябргача АҚШнинг Президент (лик институти)нинг 8 – миллий хавфсизлик бўйича Давлат маслаҳатчиси бўлган. Бу ишдаги олдинги вазифадоши Уолт Ростоу, кейинги давомчиси эса Брент Скоукрофт бўлган.

Г.Киссинжернинг отаси Луис Киссингер (1887-1982) мактаб ўқитувчиси бўлган. Онаси Паула Штерн Киссингер (1901-1998) уй бекаси бўлган. Кичик укасининг исми – Вальтер. Киссингер фамилияси Бад-Киссинген номли немис шаҳридан олинган. Г.Киссинджер 1949 – 1964 йилларда Энн Флешер (ажрашишган), 1974 йилдан эса Нэнси Киссинжер (2023) билан турмуш қурган. Г.Киссинжернинг фарзандлари Дэвид ва Элизабет Киссинжерлар. Г.Киссинджер Республика партияси аъзоси бўлган. Г.Киссинджер автобиографиясида Гарвард университети, Нью-Йорк шаҳар коллежи, Гарвард коллежи, Жорж Вашингтон Таълим корпусларида таҳсил олгани келтирилган.

1938 йилда Киссингерлар оиласи нацистлар таъқибидан қутилиш учун АҚШга қочиб ўтишади, шунда у 15 ёшлик ўспирин йигитча эди. Оиласини Германиядан АҚШга кўчириш ғояси Хайнцнинг онаси Паула Штернга тегишлидир. Германияда қолган қариндошлари Холокост даврида қирғин қилинган. Кейинчалик Г.Киссинжер бу ҳақда шундай элаганди: “Америкага эмиграция қилинганга қадар менинг қариндошларим острокизм ва дискриминацияни бошдан кечиришди”.

Нью-Йоркка кўчиб ўтган Киссингерлар оиласи Манхэттендаги немислар ва еврейларнинг катта диаспораси мавжуд бўлган Вашингтон-Хейтс районига жойлашади. АҚШга кўчгандан сўнг Киссингерлар фамилияси Киссингерга, Хайнц исми эса Генрига ўзгартирилади. Генри шу ерда мактаб таълимини олади. Г.Киссинджер америка маданиятига тезда мослашади, лекин унинг болаликдаги тортинчоқлиги ва камгаплиги сабабли шарқий-франк акценти/лаҳжаси сақланиб қолади. Г.Киссинджер бир йил давомида Нью-Йоркдаги Жорж Вашингтон номли мактабда таҳсил олади. Кейин кечки мактабда ўқиб, кундузлари соқол олиш учун чўтка чиқариш фабрикасида ишлайди. Мактабни тугатиб, Нью-Йорк сити коллежига “бухгалтерия ҳисоби” йўналишига ўқишга кирилади. Талаба сифатида – тўлиқсиз ўқиш куни бўлгани сабабли – дарсларни яхши ўзлаштириб, ишлашни ҳам давом эттиради.

1943 йилда ўқишни тугатмай, армияга чақирилади. Шу йили Г.Киссинжер АҚШ фуқаролигини олади.

Г.Киссинжер Жанубий Каролина штатидаги Спартанбург шаҳри Кэмп-Крофт деган жойида ҳарбий тайёргарликни ўтайди – у ерга бориши биланоқ фуқароликни қўлга киритади. У ердан армия Г.Киссинжерни Пенсильвания штатидаги Истон шаҳрида жойлашган Лафайетта коллежига инженерлик ишини ўрганишга юборилади. Аммо бу лойиҳа рад этилгач, Г.Киссинжерни Луизиана штатидаги Кэмп-Клейберн (инг. Camp Claiborne) лагерига 84-пиёда аскарлар дивизиясига хизматга юборишади. У ерда Г.Киссинжер *Фриц Кремер* (инг. Fritz G.A. Kraemer) – яна бир германиялик иммигрант билан танишади. Ф.Кремер Генри номли курсантнинг немис тилидаги эркин суҳбати ва интелектини кўриб, дивизиянинг ҳарбий разведкасига кўчирилишига ёрдам беради. Ҳарбий тарихчи *Теодор Драннер* (инг. Theodore Drapper) “*Нью-Йорк таймс*” газетасининг 1992 йил сентябр сонидан чиқарган “*Кичик Хейнз ва Катта Генри*” (Little Heinz and Big Henry. The New York Times. September 6, 1992) номли мақоласида Ф.Кремер Г.Киссинжернинг сиёсий ва интеллектуал шаклланишида катта из қолдирганини ёзади: “Кўп йиллар мобайнида жаноб Кремер жаноб Киссинжернинг куратори, устози, маънавий йўлбошчиси ва дилидаги сирларини сақловчиси бўлган” [1, Б.1].

Киссинжер дивизиядаги ҳарбий хизмат даврида, дивизия таркибида жанглarda иштирок этди ва Арденн операцияси вақтида таҳликали разведка қилувчи топшириқларни бажариш билан кўзга ташланади. Немис тилини биладиган ҳарбийларнинг етишмаслиги шароитида дивизиянинг ҳарбий разведка бўлинмаси – америкаликларнинг Германияга ҳаракатланиши вақтида Киссинжерни Крефелд шаҳрининг денацификация (нацистлардан тозалаш) ишига масъул қилиб қўйишади. Немис жамияти ҳақидаги билимларига таяниб, Г.Киссинжер ишни 8 кунда бажариб бўлади – маълум нацистларни йўқ қилади ва шаҳарда фуқаролик бошқаруви (администрация)ни тиклайди. Шу иши учун Киссинжерни Контрразведка Корпусига сержант лавозимига кўчиришади. Киссинжер Ганновер шаҳрида гестапонинг собиқ офицерлари ва диверсантларни кузатиш топшириғини олади. Ушбу топшириқни бажариб, Киссинжер *Бронза юлдузи* (ордени) билан тақдирланади. Г.Киссинжер 1945 йилнинг июнида Гессен еридаги Бергштрассе районида контрразведка Корпуси бўлинмасига районни денацификациясини ўтказиш асосий вазифаси билан командир этиб тайинланади. 1946 йилда Оберурзел шаҳридаги Кэмп-Кинг лагерига жойлашган Европадаги АҚШ Куролли кучлари Бошқарувининг разведка Мактабига Киссинжерни дарс бериши учун кўчиришади. Бу ерда у яна бир йил армиядаги ҳарбий хизматни якунлаган ҳолда фуқаро(лик) хизматчиси сифатида ишлайди.

Генри Киссинжернинг биографиясида унинг АҚШ пиёда қўшинининг 970-контрразведка Корпусида хизмат ўтагани қайд этилган. Г.Киссинжер биографисини ёзганлар маълумотида кўра, у 2-жаҳон уруши ва Вьетнам урушида иштирок этган, дейилади. Биринчисида разведкачи-солдат сифатида, иккинчисида, таъбир жоиз бўлса, разведкачи-сиёсатчи сифатида иштирок этган.

Нобел мукофотидан ташқари тағинам 14та мукофотларни қўлга киритган.

1950 йилда Г.Киссинжер Гарвард коллежининг санъат бўйича бакалавр даражасини аъло баҳолар билан – *summa cum laude* – “юксак ҳурмат-эҳтиром” билан тугатади. Г.Киссинжернинг диплом иши “The Meaning of History” – “*Тарихнинг мазмуни*” деб аталиб, 388 саҳифани ташкил этган ва Гарварддаги энг узун бакалаврлик диссертация ҳисобланади. Г.Киссинжернинг Гарварддаги янги ҳомийси тарихчи, профессор *Уилям Янделл Эллиот* бўлди. У.Я.Эллиот Президент Рузвельтнинг маслаҳатчиси ва АҚШнинг кўплаб Президентларининг маслаҳатчиси, АҚШ миллий хавфсизлик Кенгаши вице-Президенти, антисовет ғайрати билан шуҳрат қозонган сиёсий шахс бўлган. Г.Киссинжер 1952 йилда санъат бўйича магистр, 1954 йилда эса Гарвард университети фалсафа доктори бўлди. Г.Киссинжернинг докторлик диссертацияси “*Тикланган тинчлик: Меттерних, Каслри ва 1812-1822 йиллардаги тинчлик даври муаммолари*” деб аталади (инг. Peace, Legitimacy and the Equilibrium (A Study of the Statesmanship of Castlereagh and Mitternich)).

Генри Киссинджер Гарвард университетининг ҳали бакалавр даражалик талабалиги давридаёқ Эллиот кўмагида 1950 йилда Гарвард Халқаро семинарини ташкил этади (инг. Harvard International seminar) – семинарнинг мақсади дунёнинг барча ёш лидерларини “Совуқ уруш” шароитида коммунизмга қарши бирлаштириш ва АҚШ бошчилигида анъанавий Ғарб кадриятларининг таъсирини ошириш бўлган. Халқаро семинар дарҳол ЦРУ – МРБ эътиборига тушади. МРБ семинарни қўллаб-қувватлайди ва бир неча ўн йиллар мобайнида молиявий ташкилотлар кўмагида семинарнинг ўсувчи бюджетига ҳомийлик қилиб келади. Г.Киссинджер бу семинарни 1951 йилдан 1965 йилгача, шунингдек, 1967 йилда ўтказиб келди ва 1951 – 1971 йилларда унинг директори бўлиб хизмат қилди.

1954 йилда Г.Киссинджер PhDни олгандан сўнг Гарвард университетида ўқитувчилар таркибида давлат бошқаруви кафедрасида ва ҳар хил лойиҳалар менежери, хусусан, таъкидланган Халқаро семинар раҳбари сифатида фаолиятни давом эттирди. Шундай лойиҳалардан бири “Мудофаа тадқиқотлари бўйича лойиҳа” (инг. Defence Studies Program) эдики, бу лойиҳа 1954 йилда олий ҳарбий шахслар ва сиёсатчиларга консультация бериш мақсадида тузилади. Г.Киссинджер 1958 – 1971 йилларда бу лойиҳа директори лавозимида бўлди. 1955 йилда Г.Киссинджер Операцион Координацион Қўмита (инг. Operation Coordinating Board) маслаҳатчиси бўлди – бу АҚШ миллий хавфсизлик Кенгаши олдида ҳисобдор Қўмита бўлиб, АҚШ Президенти Дуайт Эйзенхауэр томонидан 1953 йилда ташкил қилинган ва 1961 йилда Президент Жон Фишеральд Кеннеди томонидан тугатилган.

1955 – 1956 йилларда Г.Киссинджер Нью-Йоркдаги Халқаро муносабатлар Кенгаши қошидаги Ядро қуроллари соҳаси ва ташқи сиёсат бўйича тадқиқотлар директори бўлди ва шу сабабли ҳам у Гарвардни қисқа муддатли тарк этишига тўғри келган. Ушбу фаолияти натижасида *Г.Киссинджернинг илк китоби “Ядро қуроли ва ташқи сиёсат”* (1957) нашр юзини кўрди. Бу китоб бестселлерлар қаторига қўшилди. Бу китоб “Book of the Month Club” клубининг танлов китоби бўлди ва бу Киссинджерни машҳур қилди.

1956-1958 йилларда Г.Киссинджер Ака-ука Рокфеллерлар Фондида (инг. Rockfeller Brothers Fund) Махсус Тадқиқотлар Лойиҳасида (инг. Special Studies Project) директор бўлиб ишлади (Нельсон Рокфеллер Г.Киссинджернинг 3-ҳомийси бўлиб, сайловолди компанияларида Г.Киссинджернинг хизматларидан фойдаланган). Фаолият натижасида “Халқаро хавфсизлик: ҳарбий соҳа” номли ҳисобот юзага келади (инг. International Security: The Military Aspect). Ушбу ҳисобот шу қадар хато эдики, Киссинджер кейинчалик ундан воз кечишига тўғри келган. 1961 йилда Г.Киссинджернинг “Танлов эҳтиёжи” (“The Necessity of Choice”) номли китоби нашр этилади – бу орқали у ўзининг йўқотилган (машҳурлик) номини ва репутациясини тиклаб олади. 1958 йилда Гарвардда Халқаро муносабатлар маркази (Center for International Affairs) очилади – бу Вашингтон ва Гарвардни ўзаро боғлаб турувчи тўғридан тўғри каналга айланади. Бу марказ профессионаллари тайёрлаб берган – охиргилар эса талаб қилинган қийин сиёсий ва дипломатик миссияларни адо этган. Г.Киссинджер 1960 йилгача ушбу Марказ директорининг ёрдамчиси лавозимида тайинланади ва у университет персонали ва сиёсатчилар ўртасида тармоқ яратиш бўйича Марказ доирасида кўплаб ишларни амалга оширади.

Г.Киссинджер илмий-ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда бир нечта давлат агентликларида консультант бўлиб ишлади: Куч((ҳарбий) ҳаракатлар) тадқиқот офиси (инг. Operation Research Office)(1951), Психологик Стратегия Қўмитаси (инг. Psychological Strategy Board) (1952), Раҳбарлар штабининг умумий Қурол-яроғ тизимларини баҳолаш гуруҳи (инг. Weapons systems Evaluation Group of the joint Chiefs of Staff) (1959-1960), Қурол назорати ва Қуролсизлантириш Агентлиги (Arms Control and Disarmament Agency) (1961-1968), RAND корпорацияси (1961-1968), АҚШ миллий хавфсизлик Кенгаши (1961-1962), АҚШ Давлат Департаменти (1965-1968).

1960 йилларда, сиёсатшунос Генри Киссинджер, аллақачон дунёнинг тан олинган хурматли ва стратегик экспертларидан эди.

Г.Киссинжер Нью-Йорк штати губернатори Нельсон Рокфеллерни 1960, 1964 ва 1968 йилларда Республикачилар партиясидан Президентликка номзод сифатида кўрсатилганда кўллаб-қувватлаган, унинг маслаҳатчиси бўлган. Тарихчилар Н.Рокфеллерни Г.Киссинжернинг 3-ҳомийси, деб эътироф этишади. 1968 йил охирида янги сайланган Ричард Никсон Киссинжерни ўзининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси сифатида танлайди, 1969 йил январидан Р.Никсоннинг инаугурациясидан сўнг Г.Киссинжер расман мансабга киришади ва Н.Рокфеллер билан хайрлашади. Н.Рокфеллер Г.Киссинжернинг кўрсатган хизмати ва бажарган иши, шунингдек, дўстлик ва миннатдорлик рамзи сифатида 50 000 долларлик премия билан мукофотлайди. Ушбу даврдан бошлаб, Г.Киссинжер ўзига Оқ Уй коридорларига йўл ҳозирлайди ва устозлари, ҳомийларидан мустақил бўла бошлайди, шу билан бирга, Рокфеллерлар билан алоқаларини давом эттиради. Г.Киссинжер Ака-ука Рокфеллерлар фонди бошқаруви ҳайъати аъзоси, Рокфеллерларга таълуқли Chase Manhattan Bank (замонавий Chase) маслаҳатчиси, Chase's International Advisory Committee аъзолигини сақлаб қолади.

Г.Киссинжер 1969-1975 йилларда АҚШ миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси, 1973 – 1977 йилларда АҚШ Давлат Котиби бўлиб ишлади.

АҚШ давлатчилиқ бошқаруви амалиётида бир тажриба бор: Давлат Котиби лавозимга киришиш пайтида АҚШ Олий суди судяси раҳнамолигида бевосита Президент олдида (тик турган ҳолатда) бирор бир қариндоши Инжилни тутган ва у чап қўлини унинг устига қўйган ҳолатда ўнг қўлини кўтариб қасамёд қабул қилади. Бу жараёни АҚШ сиёсий кадриятлари тизимининг таркибий қисми, деб ҳисоблаш мумкин. Бу жараёни Г.Киссинжер ҳам бошидан ўтказган: 1973 йил 22 сентябр куни Давлат Котиби лавозимга киришаётган Генри Киссинжер АҚШ Олий суди судяси *Уоррен Бергер* олдида (унинг сўзларини такрорлагани ҳолда) чап қўлини онаси Паула ушлаб турган Инжилга қўйиб, ўнг қўлини кўтариб қасамёд қабул қилган, Киссинжер ён томонида Президент Р.Никсон кузатиб турган манзара расми ўша пайтлар газеталарида кўплаб нашр этилган.

Г.Киссинжер Р.Никсон бошқаруви пайтида АҚШ миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси ва АҚШ Давлат Котиби бўлиб ишлади. Бу АҚШ тарихидаги илк ва ягона ҳолатдирки, бир шахс айни дамда 2та стратегик лавозимни бирваракайига истефода этади. Ж.Форд Президентлик даврида Г.Киссинжер АҚШ Давлат Котиби лавозимида хизматини давом эттиради.

Реал сиёсат тарафдори сифатида Г.Киссинжер 1969 – 1977 йилларда АҚШ ташқи сиёсатида ҳал қилувчи позицияни эгаллайди. Р.Никсон Г.Киссинжер кўмагида АҚШ ташқи сиёсати бошқарувини марказлаштириб олади. Г.Киссинжер АҚШ миллий хавфсизлик Кенгаши структурасини қийинлаштириб юборади – ўзига бўйсунувчи кўмиталар ва штат(лавозим)ларни кўпайтиради. Г.Киссинжер томонидан Президентга яқинлаштирилган Миллий хавфсизлик Кенгаши кўпроқ ваколатларга эга бўлди ва АҚШ Давлат Департаментини (бу бошқа давлатлардаги ташқи ишлар вазирлигидир) ташқи сиёсат вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини тўлдирди ва уни сиқиб чиқарди – чунки Никсон Давлат Департаментига ишонмаган. АҚШ Президенти Ж.Форд Г.Киссинжерни миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи лавозимидан олиб, унинг ўрнига генерал Брент Скоукрофтни тайинлайди – лекин бу ҳам Киссинжернинг администрациядаги реал ҳокимиятини камайтирмаган.

Г.Киссинжер ўзининг сиёсий фаолияти даврида АҚШнинг СССР, ХХР, Япония, Исроил, Миср, Шимолий Вьетнам ва бошқа давлатлар билан музокараларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. *Г.Киссинжер АҚШ-Собиқ Иттифоқ муносабатларидаги кескинликни юмшатиш сиёсати ташаббусини илгари сурди ва бу бевосита халқаро сиёсатда акс этди.* Г.Киссинжер АҚШнинг Хитойга яқинлашишини ташкил этди ва бунда 1971 йилда ХХР Давлат Кенгаши Бош вазири *Чжоу Энлай* билан музокараларда муҳим рол ўйнади. Музокаралар *янги антисовет америка-хитой блокни* тузиш билан ниҳояланди.

Шунингдек, айрим таҳлилчилар, Жанубий Америкада коммунистик ҳаракатларни ликвидация қилиш ғояси, хусусан, 1973 йилда Чилида А.Пиночет бошқарувини тўнтаришни ташкиллаштириш ҳам Г.Киссинжерга таълуқлидир, деб ҳисоблайдилар.

1970 – 1973 йиллардаги ЦРУ – МРБнинг махфий операциялари Г.Киссинжер томонидан бошқарилган АҚШ ҳукуматининг қирқинчи қўмитаси томонидан амалга оширилган, дейилади.

1973 йилда Г.Киссинжер Шимолий Вьетнамлик *Ле Дык Тхо* билан биргаликда *Тинчлик бўйича Нобель мукофоти*ни Вьетнам урушини вақтинча тўхтатган (1971-1972 йилларда Вьетнам уруши авж олган) Париж тинчлик келишувини ташкиллаштиргани учун қўлга киритди.

Г.Киссинжер АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси сифатида 1974 йилда “Миллий хавфсизлик тадқиқоти меморандуми 200” номли лойиҳага раҳбарлик қилди – бу лойиҳа қўплаб баҳсларга сабаб бўлган.

2000 йилларда XX асрнинг ўрталаридаги АҚШ ташқи сиёсатининг мазмунини акс эттирувчи тарихий ҳужжатлар сирлари ошкор қилиниб, нашр этилади. Ҳужжатлар серияси “Америка Қўшма Штатларининг Ташқи алоқалари” (“Foreign Relations of the United States”) номи остида history.state.gov сайтида эълон қилинди ва Wayback Machineда 2014 йил 10 октябрда Архив нусхалари сақланади (Тарихчи офиси, жамоатчилик билан алоқалар бюроси, АҚШ ДД – Давлат Департаменти). Никсон ва Форд администрациялари даври “Nixon – Ford Administrations” номи остида алоҳида гуруҳда расмийлаштирилган ва 46 жилдни ташкил қилади.

Халқаро кескинликни юмшатиш сиёсати

Г.Киссинжер Р.Никсон даврида миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи сифатида *халқаро кескинликни юмшатиш сиёсати* (фр.detente) *яратувчиси ва мафкурачиси бўлди* – бу сиёсат социалистик ва капиталистик лагер давлатларининг қарама-қаршилиги асосидаги *агрессивликни тушуришга қаратилган*. Ушбу сиёсатнинг элементларидан бири КПСС Бош Котиби Леонид Брежнев билан Стратегик қуролларнинг чекланиши тўғрисидаги Музокаралар бўлдики, бу 1972 йилда “Стратегик қуролланишнинг чекланиши тўғрисидаги Битим”ни имзолаш билан яқунланди. Худди шу йилнинг ўзида “Ракеталарга қарши мудофаа тизимларини чеклаш тўғрисидаги Битим”, “Америка Қўшма Штатлари ва Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ўртасидаги стратегик ҳужумкор қуролларнинг чекланишига оид маълум қоидалар тўғрисидаги Вақтинчалик келишув/Битим” ва “Биологик Қуроллар тўғрисидаги Конвенция” қабул қилинди.

1973 йилда “СССР ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик ҳужумкор қуролланишнинг кейинги чекланишига оид музокараларнинг асосий принциплари Битими” имзоланди. Қуролсизланиш тўғрисидаги музокаралар АҚШ томонидан аввал бошдан *Л.Жонсон* администрацияси даврида режалаштирилган бўлган. Аммо музокаралар “Прага баҳори” номини олган 1968 йил августидаги Чехославакиядаги ходисаларга реакция сифатида инкор этилганди. 1969 – 1970 йилларда Г.Киссинжер Собик Иттифоқнинг АҚШдаги элчиси *Анатоллий Добрынинга “конфиденциал йўл”* топишни ташкиллаштиради. Уларнинг асосий мавзуси икки супердержавалар ўртасидаги *Халқаро кескинликни юмшатиш* бўлди. Бундан ташқари, Киссинжер ва Добрынин Вашингтон ва Москва ўртасидаги Вьетнам, Яқин Шарқ, Куба ва еврейлар эмиграцияси масалаларига оид эҳтимоллий қарама-қаршиликни ҳал этишади. 1971 йил майида Г.Киссинжер ва А.Добрынин дастлабки келишувларга келишади. 1971 йил эзида Москвада саммит ўтказиш вақти белгиланади (1972 йил баҳорида). Музокаралар шахсан Р.Никсон ва Г.Киссинжерлар томонидан олиб борилган. Бошқа агентликлардан ҳеч ким бу музокаралар жараёнига киритилмайди, хусусан, Давлат Котиби *Уильям Рожерс*, Қуролланиш ва қуролсизлантириш бўйича агентлик (инг.ACDA) директори *Жерард Смит*, Мудофаа вазири *Мелвин Лэйрд* музокаралар жараёнидан сиқиб чиқарилади.

Музокаралар жараёнида “Стратегик қуролланишни чеклаш тўғрисидаги Битим” (ОСВ-I) бўйича хулоса – бир тўхтама келинади. Шу билан бирга Собик Иттифоққа бугдой етказиб бериш тўғрисида, Совет-Америка муносабатларининг асосий принциплари тўғрисидаги шартнома имзоланади.

АҚШ ва Собик Иттифоқ ўртасидаги музокаралар 1973 йил баҳорида ҳам давом этади ва “СССР ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик ҳужумкор қуролланишнинг кейинги чекланишининг асосий принциплари”, 1973 йил ёзида эса Вашингтондаги саммитда “Ядровий урушнинг олдини олиш тўғрисида Битим” имзоланади. Г.Киссинжер ва Собик Иттифоқ ташқи ишлар вазири Андрей Громыконинг музокаралари Р.Никсоннинг 2-март Москвага 1974 йил ташриф буюришига олиб келди ва бунда “**Ядро қуроллини синовдан ўтказишни таъқиқлаш тўғрисидаги дастлабки Битим**” имзоланди.

Форд администрацияси даврида ҳам Г.Киссинжер АҚШнинг Собик Иттифоқ бўйича ташқи сиёсатида асосий фигурант бўлди. У 1974 йил Владивостокда ва 1975 йил Хельсинкида ўтказилган саммитларда Ж.Форд-Л.Брежнев ўртасидаги музокараларда асосий шахс бўлди. Владивостокда Форд Брежнев билан стратегик қуролларни қисқартириш масаласини муҳокама қилди, Хельсинкида эса “*Хельсинки келишуви*” номини олган “**Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг Яқуний акти**” қабул қилинади.

Бу даврда эса АҚШ давлат арбобларининг ҳаммаси ҳам халқаро кескинликни юмшатиш сиёсати тарафдори бўлишмаган. Ушбу сиёсат тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасида қураш авж олади. Бунинг натижасида 1974 йилда бу сиёсатга қаршилар томонидан АҚШнинг савдо тўғрисидаги Қонунига Жексон-Вэник ўзгартишлари қабул қилинади – ушбу қонуннинг мақсади Собик Иттифоққа босим ўтказиш орқали у ўз фуқароларига эркин эмиграцияга рухсат беришини талаб қилиш бўлган (ўша пайтлар Собик Иттифоқдан асосан еврей миллатига мансуб фуқаролар, Эски Аҳд христианлари, католиклар кўпроқ кўчиб кета бошлашган).

Хитой билан яқинлашиш

Президентликка номзод бўлган пайтидаёқ Р.Никсон АҚШ ва бутун дунё Хитой билан яқинлашишдан ютади, деб ҳисобларди. Никсон буни АҚШнинг ички эҳтиёжлари ва Хитойнинг катталиги ва Хитойнинг муқаррар таъсири билан изоҳлаган. Бундан ташқари, Хитой Совет Иттифоқига қарши яхшигина рақиб бўлиши мумкин эди. Бу фикрга Г.Киссинжер ҳам қўшилган ва бу сиёсатни амалга ошириш учун олим янги терминни ўйлаб топади: “**уч томонлама дипломатия**” (*triangular diplomacy*). Р.Никсон Президентлигининг дастлабки даврларида Хитой билан музокараларни бошлаш учун йўлларни кидиради. Дастлабки музокаралар сир тутиш режимида амалга оширилган. Никсон ва Киссинжер ўзларининг Хитой билан яқинлашиш хоҳишларини нафақат жамоатчиликдан, балки, Давлат Департаментидан ҳам сир тутишади. 1969 йилдан бошлаб, 2 йил давомида бир томондан Р.Никсон ва Г.Киссинжер, иккинчи томондан Чжоу Энлай ва Мао Цзедун ўртасида воситачилар ёрдамида маълумотлар алмашинуви амалга оширилади: бу воситачиликни чет эллар элчилари, дўст-ҳамкор давлатлар Президентлари, Киссинжерга ҳисобдор бўлган миллий хавфсизлик Кенгаши ходимлари бажаради.

Ушбу маълумот алмашинувида Покистон Президенти Яҳе Хон, АҚШнинг Польшадаги элчиси Уолтер Стуссел(инг. Walter John Stoessel, Jr), Покистоннинг АҚШдаги элчиси Ага Ҳилали(инг. Agha Hilali), Руминия Президенти Николае Чаушеску, Руминиянинг АҚШдаги элчиси Корнелиу Богдан, Хитойнинг Франциядаги элчиси билан алоқалари бўлган Француз ҳукуматининг Ханоедаги собик делегати Жан Сентени (фр. Jean Sainteny), АҚШ миллий хавфсизлик Кенгаши ходимлари Харольд (Хэл) Саундерс (инг. Harold H. Saunders), Александр Хейг, Ричард Смайсер (инг. Richard Smyser) ва бошқалар иштирок этган. Кўриниб турибдики, бу масалага анча диққат талаб қилинган ва воситачининг воситачиси орқали музокараларга йўл изланган.

Ушбу ўзаро алоқаларнинг натижаси сифатида Г.Киссинжернинг 1971 йил 9-11 июл кунлари Пекинга амалга оширган махфий ташрифини келтириш мумкин. Ташриф чоғида ХХР Давлат Кенгаши Бош вазири Чжоу Энлай билан Г.Киссинжер Р.Никсоннинг келгусидаги Хитойга ташрифини келишиб олади ва икки томонни қизиқтирадиган масалаларни муҳокама қилади.

АҚШ-Хитой муносабатлари илиқлашишининг асосий шarti АҚШ қуролли кучларининг Тайвандан чиқарилиши ва уни Хитойнинг таркибий қисми сифатида тан олиниши бўлди. АҚШ-Хитой институти (Жанубий Калифорния университети филиали) ушбу ташриф ва икки йиллик музокаралар ҳужжатларининг сирлари очилгандан сўнг уларни тўплади ва нашр қилди. Г.Киссинжернинг Хитойга ташрифи АҚШ ва Хитой ўртасидаги янада очиқ форматни бошлаб берди. 1971 йил 15 июл куни Р.Никсон NBC телеканалига ошкора равишда ўзининг Хитойга ташрифи тўғрисидаги истаги ва Хитой томони 1972 йил майгача ўз уйида уни қабул қила олиши тўғрисида маълум қилади.

1971 йил 20 октябрда Г.Киссинжер Президент ёрдамчисининг ўринбосари *Дуайт Чапин* (инг.Dwight Chapin) билан биргаликда Хитойга яна бир ташрифни амалга оширади. Бунда Никсон ташрифининг санаси ва шартлари, ташриф давомида муҳокама қилинадиган асосий масалалар келишиб олиниши керак эди (Тайван масаласи, Вьетнам уруши, Корея яриморотидаги нотинчлик, Япония билан муносабатлар). Ташриф куни сифатида 1972 йил 21 феврал танланади. 1972 йил январь-февралда Александр Хейг, Дуайт Чапин ва АҚШ Оқ Уй Ижро офиси директори *Рональд Волкер* (инг.Ronald H.Walker) Никсон ташрифига тайёргарлик кўриш ва бутун тафсилотлари (майда-чуйда деталлари) билан режалаштириш мақсадида Хитойга келишади. Р.Никсоннинг Хитойга ташрифи 1972 йил 21 – 28 феврал кунлари амалга оширилди.

Бу АҚШ Президентларидан Хитой Халқ Республикасига *илк ташриф* бўлди.Р.Никсон бу ерда Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси раиси Мао Цзедун билан учрашди ва бу ташриф Вашингтон-Пекин муносабатларида янги давр бўлдики, бу ҳам Хитойнинг дунёга очиклигини кўрсатди, ҳамки “Совуқ уруш” даврида кучлар мувозанатига таъсир ўтказди[4]. Шунингдек, Никсон делегацияси мухбирларни ҳам ўз таркибига олиб, бутун ташриф АҚШ ва Хитой ОАВларида кенг ёритилди. Музокаралар давомида *Р.Никсон Тайванни Хитой ҳудуди, деб тан олди ва минтақада “босим тушиши” биланоқ у ердан қўшинни олиб чиқишга ваъда берди.* Шунингдек, Р.Никсон Чжоу Энлай билан корейс масаласини, Вьетнамдаги урушни, 20 йилдан ортиқ Хитой ҳибсхонасида турган МРБ агенти Жон Даунини озод қилишни, Хитой томони ташаббуси билан эса савдо айланмасини йўлга қўйишни ва бошқа масалаларни муҳокама қилди. Г.Киссинжер эса ушбу ташриф доирасида Е Цзяньбин (Хитой Марказий Ҳарбий комиссия раис ўринбосари) ва Цяо Гуаньхуа (Хитой ташқи ишлар вазири) билан учрашди – улар билан Тайван масаласини, Ҳинд-Покистон урушини ва икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларини муҳокама қилди. Ташрифнинг кейинги кунлари Г.Киссинжер Цяо Гуаньхуа билан бир неча маротаба учрашиб, Тайван масаласида ишни кам-кўстини кўриб, охирига етказиш, расмий муносабат матнини тузиш, шунингдек, Советлар қуролли кучлари ҳақидаги маълумотларни Хитойга етказиш билан шуғулланди. Ҳаттоки, “Р.Никсоннинг 1972 йилдаги ХХР ташрифининг дипломатик тайёргарлиги” мавзусида 2010 йилда диссертация ҳам ҳимоя қилинган (Томск, 2010. Дегтяров А.В.) – қарангки, бу ташриф эмас, унғача бўлган жараённинг ўзи битта илмий иш бўлибди. АҚШдаги АҚШ-Хитой институти ушбу ташриф ва унғача бўлган дастлабки тайёргарликка оид ҳужжатларни йиғиб нашр қилдирган.

Р.Никсоннинг Хитойга ташрифи икки давлат ўртасидаги 22 йиллик душманликка чек қўйиб, дипломатик муносабатларга йўл очади ва Жануби Шарқий Осиёдаги кескинликнинг кучсизланишига олиб келган. Р.Никсон ташрифнинг сўнги куни, Шанхайдан туриб, ташрифини қуйидаги сўзлар билан якунлаган:

“Бу дунёни ўзгартирган ҳафта бўлди; буни биз расмий баёнотимизда айтдик ва яқин йилларда биз нима қиламиз, 16 000 миль орқали кўприк қуришимиз ва 22 йиллик душманлик – унчалик муҳим эмас. Ва (хулоса) шуки, бугун биз нима дедик – бу ўшаки, биз бу кўприкни қурамиз”.

Ушбу таширфдан сўнг Г.Киссинжер *икки хил кучлар мувозанати назариясини* илгари сурди. Биринчиси, **“абсолют мувозанат”** бўлиб, бу “шундай кучлар мувозанатини акс эттирадики, бунда гоҳида қарама-қарши қадриятлар легитимлиги(қонунийлиги)ни тан олишдир. Чунки, сиз, агар сизнинг зўр беришингизнинг охириги натижаси ўз қадриятларингизни мажбуран қабул қилдириш/сингдириш бўлса, унда мен ўйлашимча, мувозанат мумкин бўлмай қолади”, деб таъкидлади. Иккинчи даража эса ўз кучингизни қарши томонга сингдириш оқибатида дунёда кучлар мувозанати бузилиб кетишини англаган ҳолда **чекланганизни тан олиш**дир. Буни Г.Киссинжер “деярли бадиий моҳирлик” талаб этадиган комбинация, деб таърифлайди [4].

Вьетнамдаги уруш

Г.Киссинжер Р.Никсон томонидан ҳали миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи лавозимига тайинламасдан бурун *“иккинчи ҳинди-хитой уруши”* номини олган Ҳинду-Хитой худудидаги ҳарбий конфликтга жалб этилади. Г.Киссинжер Гарвардда бўлган вақтидаёқ Оқ Уйнинг ташқи сиёсати бўйича консультанти (у ерда Г.Киссинжер Президент хузуридаги миллий хавфсизлик Кенгашининг консультатив органида консультант бўлиб ишлаган), ҳам АҚШ Давлат Департаментида консультант лавозимида ишлаган.

Г.Киссинжернинг эски ўртоғи *Генри Лодж* 1965 йил августида Сайгонда элчилик пайтида ўзининг консультанти сифатида уни Вьетнамга келишини сўрайди. Г.Киссинжер 1965 йил октябр-ноябр ойларида 2 ҳафта, 1966 йилда яна 10 кун, 1966 йил октябрида 3-мартга яна бир неча кун Вьетнамда бўлади. Кейинчалик Г.Киссинжер Вашингтон ва Ханое ўртасида **тинчликни тиклаш музокараларида воситачилик** қилади.

1968 йилда Р.Никсон Президентликка сайлангач, ваъда қилинган “ҳурмат (билан эришилган) тинчлик” (инг. “Peace with honor”)га эришади ва Вьетнамдаги урушни якунлайди. Уша пайтда бу ерда **ярим миллион америкалик ҳарбийлар бўлиб, уларнинг сони ошиб борган ва 31 000 америкаликлар бу урушда ҳалок бўлган эди**. Р.Никсон тугатиши керак бўлган бу урушни, интервенциядан ўн йиллар ўтиб, Америка жамияти кенг танқид қилди ва маънисиз, деб ҳисоблади. Бироқ Р.Никсон, Г.Киссинжер ва уларнинг атрофидагилар кўшинни шунчаки олиб чиқиб кетиш қимирлаб қолган АҚШ ишончига, супердержава сифатидаги авторитети ва репутацияси(обрўси)га “оёғини қўлга олди” деган таъсурот ҳосил қилади, деб ҳисоблашган. Г.Киссинжер ўзининг **“Вьетнам уруши тугаши...”** номли китобида бу ҳодисани **“домино эффекти”** деб баҳолаб, **уларнинг ҳарбий операцияларида совет ва муслмон давлатлари(нинг иштироки) кенгайишига олиб келишини ёзган эди** – шундан хавфсизраган.

Бошқа фаолият турлари

Г.Киссинжер 2001 йил охирида 2,5 ҳафта мобайнида 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШдаги терактларни тергов қилиш Комиссиясини бошқарган. Киссинжер ўрнига бошқа бир сиёсатчи – *Томас Кин* келади.

1973 йилда Г.Киссинжер Тинчлик бўйича Нобел мукофотини Париж келишувларида эришган натижалари учун қўлга киритган, ваҳоланки, бу музокаралар Вьетнам урушини тугатиши керак эди. Лекин сайловларгача 3 кун қолганлиги муносабати билан Жанубий Вьетнам Президенти Тхиуе музокараларда иштирок этишдан бош тортади ва бу уруш яна 4 йил давом этган.

Халқаро википедия электрон энциклопедия маълумотларига кўра, у Россия ТИВ Дипломатик академияси фахрий доктори ҳамдир ва РФ Президенти В.Путин унга кутлов мактубини йўллади. 2016 йилда эса Генри Киссинжер Россия Фанлар академиясининг чет эллик аъзоси сифатида сайланди.

Г.Киссинжер сиёсий фаолияти даврида ёркин медиа фигура ҳисобланган, оқсуяклар давраларида иштирок этган, ўз даврининг машҳур актрисалари билан бирга мухбирларга кўриниш берган ва ҳоказо. Прессада уни *Henry the Kiss*, деб аташган.

Г.Киссинжернинг портрети Нью-Йорк университети, Де Пол университети, Меса санъат Маркази, Маданият ва фан Саройларига қўйилган ва АҚШ миллий портрет галереяси каталогига киритилган. *Г.Киссинжер кўп йиллар мобайнида глобалистларнинг Бильдерберг клуби аъзоси бўлган.*

2001 йилда Чикаго федерал судяси *Ричард Познер* томонидан тузилган ва нашр этилган манбада Генри Киссинжер ОАВларда эслатилган дунёнинг 100та етакчи интеллектуаллари рейтингда 1 – ўринни қўлга киритган. Г.Киссинжер 2009 йилда Хавфсизлик сиёсати бўйича халқаро конференцияда *Генрих фон Клейста* номидаги мукофотга лойиқ кўрилган илк инсон ҳисобланади.

Шунингдек, Г.Киссинжер қуйидагилар билан ҳам тақдирланган: “Озодлик” Президент медали, “Бронза юлдузи” (АҚШ), Томаш Гарриг Масарикнинг “Катта Хоч” ордени, Британия империясининг “Рицарлар-командорлар” ордени, Авлиё Михаил ва Георгий номидаги “Рицарлар-командорлар” ордени, Республика олдидаги хизматлари учун “Катта Хоч” ордени (Польша), “Катта Хоч” ордени Италия Республикаси олдидаги хизматлари учун, ГФР олдидаги хизматлари учун “Катта Хоч” ордени, “Баден-Вюртемберг ерлари олдидаги хизматлари учун” ордени, 3-даражали “Хизматлари учун” ордени (Украина), Президент медали (Исроил), “Хизматлари учун” Бавария ордени, Буюк Карл номидаги халқаро мукофот, Эллис ороллари “Фахрий” медали кавелери (нишондори) ҳисобланади. Г.Киссинжер умрининг охиригача *Kissinger Associates* сиёсий консалтинг фирмасини бошқарган.

Г.Киссинжернинг сиёсатдаги фигураси сўллар, либераллар, пацифистлар ва “Совуқ уруш қарчиғайлари” томонидан кўп танқид қилинган. XX аср охирига келиб, Никсон ва Форд администрациялари материаллари очиклангач, Г.Киссинжер ҳам АҚШда, ҳам чет элларда журналистлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан кўп танқидга учради.

Г.Киссинжернинг 1969-1977 йилларда АҚШ миллий хавфсизлиги ва ташқи сиёсатидаги асосий ҳал қилувчи сиёсий шахс эканлиги инобатга олинса, АҚШнинг ўша пайтлари амалга оширган ишлари, хусусан, *Камбоджанинг “гиламли бомбардимон”* қилиниши, Чилида Президент Альендени тўнтарилиши ва Аргентинадаги “Кондор” операцияси – ҳарбий хунталардаги жиноятларда алоқадор, деб топилган. Айрим манбаларда Комбоджадаги портлашларда 50-150 минг тинч аҳоли қурбон бўлгани келтирилган. Замонавий ҳисоб-китобларга кўра, бомбаларнинг оғирлик тоннажи беш карра кўпроқ эканлиги ўрганилган бўлиб, бу юқоридаги сон янаям кўп бўлганини кўрсатади. Испания суди Г.Киссинжерни гувоҳ сифатида судга чақирган, лекин АҚШ Давлат Департаменти бунни рад этган. Г.Киссинжерни юнон ва америкалик журналистлар, сиёсатчилар томонидан 1974 йилда Туркиянинг Кипрга босқинига амалий ёрдам берганликда айблашади.

2001 йилда айрим давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Г.Киссинжерга жиноий иш очишади – уни “Кондор” операциясини ўтказганликда айблашади. Жиноят ишини олиб бораётган Аргентиналик судья Г.Киссинжерни потенциал гумондор ва ҳаттоки, жавобгар шахс, деб топади. Г.Киссинжер терговчининг савол-сўроқ чақириғига жавобан ўша заҳотиёқ Францияни тарк этади ва Бразилияга боришни рад этади. АҚШ Халқаро жиноий трибуналда иштирок этишни рад этиб келган.

2015 йилда “Foreign Policy” (Ташқи сиёсат) журнали (АҚШ) халқаро муносабатлар бўйича мутахассислар ўртасида ўтказган сўровнома натижасида Г.Киссинжер энг кўп овоз олиб(32 %), “*АҚШнинг охириги 50 йил ичидаги энг эффе́ктив Давлат Котиби*”, деб тан олинган. Ушбу 2015 йил 6 февралдаги сўровнома натижасида эса “*АҚШнинг охириги 50 йил ичидаги энг ёмон Давлат Котиби*” деб эса *Жон Керри* тан олинган. “*Time*” журнали эса Г.Киссинжерни “*Йил одами*”, деб эълон қилди.

2007 йил 25 сентябрида Г.Киссинжер АҚШнинг бошқа истеъфодаги Давлат Котиблари билан биргаликда Конгрессга “АҚШнинг 106-арманлар геноциди тўғрисида”ги резолюцияни қабул қилмасликка доир хатни йўллайди.

2023 йил 29 ноябрда Г.Киссинжер АҚШнинг Коннектикут штати, Кент шахрида вафот этди. Г.Киссинжер ота-онаси каби узоқ умр кўрди ва 101 ёшни кўрди. Умрининг охириги йилларида ҳам “*Мен борман*”, дегандай жаҳон сиёсатига оид ҳар хил чиқишлар қилиб турди, интернет орқали постлар қолдирди.

Унинг чиқишлари доимгидек ҳам танқидга, ҳам олқишга учради – реал сиёсат тарафдори сифатида асарларида халқаро сиёсат ва дипломатиянинг фундаментал қонуниятлари ва асосларини, АҚШ миллий манфаатларининг ташқи сиёсат ва хавфсизликда ақс этишини, кучлар мувозанатининг реал ҳолати ва дунё тартиботидаги давлат акторининг ҳал қилувчи позициясидан келиб чиқиб фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирган, сиёсий ноталар ва расмий чиқишлар, давлатлараро муносабатлар тарихидан сиёсий фан ярата олган ва айрим ўринларда янги терминларни ҳам сиёсий фанлар тарихига олиб кирган ҳам шу олимдир. Уларнинг айримларини шу иш доирасида эслатдик.

Жаноб Генри Киссинжер ҳақида 1973 йилда Стефен Ричард Граубад “Киссинжер: Ақл портрети” (1973.Graubard, Stefen Richards. Kissinger: Portrait of a Mind), 1974 йилда Марвин Д.Калб ва Бернард Калб “Киссинжер” (1974.Kalb,Marvin L. and Kalb, Bernard. Kissinger), 1974 йилда Шлафли Фелис “Киссинжер (ҳокимиятга) киришди”, 1983 йилда Сеймор Ҳерш “Куч нархи: Киссинжер Никсоннинг Оқ Уйида”(бу асар кўплаб мукофотларни қўлга киритган), 2004 йилда Жусси Ҳанҳимаки “Муаллифнинг танқислиги: Генри Киссинжер ва Америка ташқи сиёсати”, 2007 йилда Эви Кўрз “Киссинжер етуклиги”, 2009 йилда Эви Кўрзнинг “Киссинжер етуклиги – Вальтер ва Генри Киссинжер. Фьюртлик икки ака-укалар”, 2005 йилда Уолтер Исааксон “Биография”(896 бетлик), Жереми Сюри “Генри Киссинжер ва Америка асри”(358 бетлик) алоҳида асарлар ёзишди. Шунингдек, Г.Киссинжернинг биографиясини ҳарбий тарихчи *Теодор Драппер*, элчилардан *Мартин Индьюк* (Martin Indyk), *Уолтер Исааксон* (Walter Isaacson – CNN телеканали раҳбари, “Time” шеф-редактори бўлган ва ҳозирда Тулане университети тарих профессори) кабилар алоҳида тадқиқот иши сифатида ўрганишган ва китоблар, мақолалар эълон қилишган. Бу китоблар ичида *Сеймор Ҳерш* ва *Уолтер Исааксон* асарлари глобал ижтимоий-сиёсий фикрда кўп шухрат қозонган, кўп мутолаа қилинган.

Г.Киссинжер 3та мемуар ёзган:

1. “Оқ Уйдаги йиллар.1979.”(1979. White House Year’s.);
2. Силжиш йиллари. 1982. (1982. Years of Upheaval);
3. Ўзгаришлар йиллари. 1999. (1999. Years of Renewal).

Шунингдек, сиёсатшунос олим 15та асар ёзган бўлиб, унинг 8таси рус тилига ўгирилган: “Ядро қуроли ва ташқи сиёсат”(М. “Иностранная литература”. 1959, 511 бет), “Тикланган дунё тартиби”(М. “Прогресс”, 1973), “Дипломатия”(М. “Ладомир”. 1997, 848 бет), “Америкага ташқи сиёсат керакми ?”(М. “Ладомир”. 2002, 352 бет), “Универсализм чегараси: Бёрк консерватизми ҳақида” (Россия в глобальной политике. 2012. №4.(Журнал)), “Дунё тартиби” (М.АСТ. 2018), “Хитой ҳақида” (М.АСТ.2020, 768 бет), Генри Киссинжер, Эрик Шмидт, Дэниэл Хоттенлокер. “Сунъий ақл ва инсониятнинг янги даври ҳақида” (М. “Альпина ПРО”, 2022, 200 бет).

Дунё бўйича сиёсат етакчилари ва сиёсатдонлар гуруҳи, ҳам интеллектуал олам вакиллари орасида машҳурлигига қарамай, ҳозирги кунга қадар *Г.Киссинжернинг бирорта ҳам асари ўзбек тилига таржима қилинмаган*. Биргина у эмас, “Фрэнсис Фукуяма, Куинси Райт, Мортон Каплан, Раймонд Арон, Толкот Парсонс, Кеннет В.Томпсон, Луис Козер, Габриэл Алмонд, Морис Дюверже, Вильфредо Парето, Гозтано Моска, Ганс Моргентау, Альфред Мэхен, Хальфорд Маккиндер, Г.Лассуэл, Бертран Рассел, Жак Аталли каби жуда кўплаб замонавий-мумтоз муаллифлар асарлари ўзбек тилига ўгирилмаган” [8]. Уларнинг номини тўлиқ келтирсак, бир мақола ҳажми озлик қилиши аниқ.

Ҳали И.Кантнинг “Абадий тинчлик лойиха”си [9] сингари Г.Киссинжернинг ҳам тинчлик бўйича сиёсий лойихаси чуқур тадқиқ этилиши керак (бу мавзу алоҳида битта фан докторлигига татийди), деб ўйлаймиз. Чунки Г.Киссинжернинг асарлари тадқиқотининг ўзи бир нечта фан докторлигига ярайдди, деб ўйлаймиз. Шунингдек, ёшларга интернет орқали замонавий-мумтоз муаллифлар асарларини пдф ини сотиб олиб, ўқиш, таржима қилиш ишига ҳам эътибор қаратилиши лозим, хусусан, Г.Киссинжернинг ҳам барча асарлари электрон пдф шаклда – интернетдан сотиб олиб, ўқиса бўлади. Айни пайтда миллий кутубхона тизимида сиёсий адабиётлар бўлимида бу каби фундаментал ва методологик асарлар ёзган муаллифларнинг асарларини харид қилиш ёки ҳар хил лойиҳалар, грантлар ёки вазирликлар, элчихоналар орқали топтириш ва етказиш мақсадга мувофиқ иш бўларди. Талаба-ёшларни кутубхонага қайтариш йўли ҳамдир бу.

Г.Киссинжерни билмаган талаба сиёсатшунос бўлишга, ёки халқаро муносабатлар бўйича экспрет-мутахассис бўлишга ҳақли эмас. Худди шу фикрни И.Кант, О.Конт, Г.Моргентау, Л.Козер, М.Вебер, Т.Парсон, Ҳ.Арендт кабилар ҳақида ҳам айтсак, бўлади. Функционал – методологик манбаларни билиш позитив-прагматик сиёсат юритишга, ёки шундай назарияларни илгари суришга, ёки эксперт сифтида бўлажак кадрларнинг шундай позитив тафаккур тарзи шаклланишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳали раҳбарият сиёсатшуносликни (барча) таълим жараёнига қайтариш (Олий таълим тизимидаги барча йўналишларга ОТМларда алоҳида кафедра очиш орқали ва факультетлараро дарс ўтиш методикаси орқали) ва бу фаннинг таълим интеграциясига кўшиши мумкин бўлган бениҳоя юксак ҳиссасини ўйлаб кўришлари лозим. Дейлик, астраномияда ўқийдиган талабага сиёсат илми нима учун керак, деб тўғри савол беришингиз мумкин – лекин бу ҳам тор, ўта биқик фикр натижасидир. Чунки шу астроном мактабда оддий ўқитувчи бўлиб ишласа ҳамки, бир куни директор ўринбосари, директор бўлиши, сайловларда иштирок этиши, сайланиши ва сайлаши мумкинми – сиёсат керакми, ахир?! Ёхуд дунё бўйича Фанлар академиялари таркибидаги ёки алоҳида бўлган Астрономия институтларини астраномия ёки аниқ фанлар бўйича фан доктори эмас, сиёсатшунос бошқарадими?! Ёки спортчиларга сиёсатшунослик нима учун керак, дейилиши мумкин. Ахир, спортчини Ватанга ифтихор қилиб қўйган шу сиёсат-ку – уни билмаслик, фахру ифтихор асослари ва миллий қадриятларни билмаслик билан тенг эмасми?!

Ёки шифокорлар, инжинерларга сиёсатшунослик нима учун керак, дейилса, улардан ҳам раҳбар чиқиши мумкинми – бош шифокор, бош муҳандис каби. Бундан ташқари, барча касб эгалари шу сиёсат белгилаб берган вазифа-марраларни адо этадими – унда масала нимада – сиёсатни сиёсатшунослик ўргатади, бошқа фан эмас!?

Шунингдек, бўлажак раҳбарларда ва ҳар бир фуқарода **коррупцияга қарши “мурасасозлик маданияти”ни шакллантириш** [10, Б.154.] керами-йўқми – бунинг асоси эса олий таълимда қўйилади – мана, нима учун сиёсатшунослик бизга, Янги Ўзбекистонга керакдир.

Яхши сиёсатшунос сиёсатнинг келажагини кўра билади – сиёсатни жуда чуқур ўйлайди. Яхши сиёсатчи эса шундай яхши сиёсатшуносни ўзига маслақдош қилиб олади. АҚШ Президентларидан қайси бири энг машҳур бўлса, инсоният тарихида, ўшанинг маслаҳатчиси, албатта, сиёсатшунос бўлиб чиқади – худди Г.Киссинжер, Збигнев Казимеж Бжезинскилар каби [11, Б.652-658].

Кўриниб турибдики, сиёсатшуносликнинг асл вазифаси давлат бошқарувида сиёсий йўл-йўриқни ишлаб чиқишдир, тўғриси биринчи раҳбарнинг ўзи аниқлаб олади. Сиёсат узоқни кўзласа, демак, сиёсатчилар сиёсий йўл-йўриқ(установка)ни яхши олишган бўлади – бунга сиёсий назариялар беминнат хизмат қилади. Аксинча бўлса, фан ёки иқтидор эгалари айбдор эмас, айрим сиёсатчиларнинг нўноқлиги сабабдир – буни ҳам очик-ойдин айтиш керак. Тарихимизда бундай вазифани Низомулмулк “Сиёсатнома”ни салжуқий ҳукмдорлар (таклифига биноан)га тақдим этиб, адо этганди.

Бундан ташқари, сиёсий фанлар фуқаролар, хусусан, бўлажак олий маълумотли шахсларда сиёсий маданиятни шакллантириш асоси ва воситаси бўлиб хизмат қилади. Ахир, сиёсий маданиятга эътиборсизлик оқибатида ҳам фуқароларимизда фуқаролик позицияси онгу шууридан мустаҳкам ўрин олган, дейолмаймиз. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “Дакки-Юнус” даврида иқтидорларни синдириш, коррупция билан миллат тақдирини ўлчаш ишлари ўтди-кетди. 2000 йиллар бошларида “Умид” жамғармасида тил билиш бўйича юқори бал олган талабага, “*Беруний метросининг архитектори ким ?*” деб маънавият комиссияси аъзосининг берган саволи – маънавият шуми, дегинг келмайдими – Абу Райхон Беруний ким, Ибн Сино ким, Имом ал-Бухорий ким, деб сўраса, маънавият бўлармиди, ахир – бу каби минглаб мисолларни келтиришимиз мумкин.

Энди, иқтидорларни миллий руҳият, миллий зехният асосида ўстирмоқ учун ҳам методологияни сингдирмоқ жоиз ишдир, албатта. *Бунда миллий асослар билан бирга замонавий илм-фан асосларини ҳам параллел сингдириши керак.* Тил билиш масаласи эса барчамизнинг бирламчи вазифамизга айланиши даркордир. Бунда зўрларнинг зўри, отахонларнинг отахонларини, фаннинг бобокалонларини билиш керак эмасми?! Ёки ҳозирда ҳамма ҳам айрим ўсмир-ёшларимиз телефон ва компьютер ўйинлари ичига кириб кетгани каби “замонавийлашиб”, *смарт-олим, смарт-раҳбар* бўлиб кетдимми?! Унутмаслик керак: “закалка” эскирмайди. *Химияда Д.Менделеев даврий системаси фан учун қайси вазифани ўтаса, сиёсатшуносликда Г.Киссинжер назарияси худди шундай функцияни адо этади.* Янги Ўзбекистонда давлат инсонга хизмат қилишни бошлаган маҳали ҳали миллий сиёсатшуносликда ***бихеоверизм мактаби*** умуман ўрганилмаган йўналишлардан бўлиб қолмоқда – ислохотларда ахлоқ омили, инсон омили, худди сиёсий фанларда сиёсат категориясида ахлоқ ва инсон омили, каби марказий тадқиқот ва методология кун тартибига чиқмайдими?! Ҳали сиёсий фанлар онтологияси – алоҳида дунё тан олган сиёсатчилар асарларидан ва алоҳида дунё тан олган сиёсатшунослар асарларидан – яратилмаганини, айтмаса ҳам бўлади. Бунда, албатта, яхши асарлар таржима қилиниши керак ва фан қалбини чинакам илмлар билан тўлдириб туриш жоиздир.

Сиёсатшунослик жумла фанлар тизимида бир идиш кабирки, методология бўлмаса, умуман тўлдириб бўлмас. Шунинг учун ҳам Г.Киссинжернинг асарларини (инглиз, рус тилларидан) таржима қилиш, таҳлил қилиш, сиёсий ва ижтимоий фикр фанлари ривожини йўлида кенгроқ ўрганиш ва сиёсий таълимотлар тарихи, дипломатия асослари, дипломатия тарихи, геосиёсат асослари, глобаллашув асослари, сиёсий ва стратегик таҳлил, миллий ғоя тарғиботи технологиялари, ташқи сиёсат асослари каби тарихий ва сиёсий фанларни ўқитишда бирламчи манба сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Чунки Г.Киссинжер асарларининг методологик юки, гарчи барча асарлари сиёсий бўлса ҳамки, мафкуравий ёки сиёсий кўрсатмалардан устунроқдир (унинг асарлари шундай “юқори”дан қўл учи кўрсатмалари орқали яратилган эмас) – сиёсий методология шудир. Фан кўрсатма-буйруқ билан яратилмайди, ёки йўқ қилинolмайди. Бу олимнинг илҳоми, иқтидори, илми, зехнияти ва тафаккури ва ҳалол меҳнати-пешона териси, сабру қаноати маҳсулидир. Илм заҳмати олимнинг бўйнидаги бир умрлик юқдир, сиёсат илмининг юки эса икки марта ўткирроқ, заҳматлироқдир – чунки у сиёсат ҳақида ёзади. Бунда ақл ҳар бир сўзнинг мағзидир, ёки шундай бўлиши керак. Ақл донишмандларда бўлади, қолган барчаси тентакликдир. Бизда, Шарқда донишмандлар авлиё бўлишган, олимлар эса қомусий зехният эгалари бўлишганм – донишмандликни биргина фалсафа, ёхуд маънавият категорияси сифатида эмас, балки, сиёсат илми парадигмаси тарзида ҳам талқин қилиш ўринлидир. Таъкидлаш ўринлики, Г.Киссинжер эса сиёсат илми донишмандлиги даражасига етган, замонавий (жаҳон) сиёсат(и)нинг “пири” эди.

Яна бир ҳақиқатни тан олиш керак: олимлар асарларини нашр этолмай “судралиб” юрган маҳали сиёсатчининг бир ишораси билан нашр этилади-кетади. Олим сиёсатчи бўлса-чи, унда олимларга кенг имкониятлар йўлини очади – чунки инсон ўз аслиятидан воз кечолмайди, бу унинг тийнатида мавжуд бўлади.

Шу сабабли бўлса керак, бир тенденция кишилик жамиятида (барча жамиятларда бор, демокчимиз) мавжудки, (яхши ёки етакчилик қобилияти бор бўлган) сиёсатшунос, ҳуқушунос, тарихчи каби олимлар ҳокимиятга интилишади ва сиёсий ҳокимиятдан кўрадиган “фойда”си яхши алоқалар, таниш-билишлар, нашриётлар билан (яхши) муносабатлар, энг муҳими, маълум (ҳаётий ёки сиёсий) тажрибаларки, ўзларида хотира сифатида сақлашади. (Масалан, АҚШ Президентларидан Вудро Вильсон, Франция Президентларидан Жак Рене Ширак ва бошқа кўплаб сиёсатчилар сиёсий фанлар докторлари бўлишган). Жумла яхши асарлар, мемуарлар, эссеилар шундай яралади. Яхши асар эссе тарзида яратилган асардир. Ҳали, Ўзбекистон тарихининг бир мукамал эссеи яратилган эмас, бу ҳам жудаям долзарб масаладир. Чунки бунда маданият, турмуш тарзи, халқ ҳаёти ва тутумлари билан бирга сиёсат тарихи ҳам ўрганилади – шу сабабли ҳам бу сиёсий масаладир ва бу табиийки, Ғарбий яримшар тафаккур тарзидан ва сиёсий фикридан фарқланиши мумкин. Сиёсатнинг нозик томонлари ва ўрганилиши керак бўлган жиҳатлари ҳам оз эмас.

Биз, сиёсат таълими ва сиёсат фанининг чинакамига яралиши ҳақида гапиряпмиз. Шу мақоламизнинг мазмунидан яна бир хулоса мавжуд: у ҳам бўлса шуки, сапёр бир марта адашади, дейишади, худди, шофёр, доктор каби – чунки инсон ҳаёти унга боғлиқ, ўзининг ҳаёти шу ишига боғлиқ. Сиёсатчининг эса адашишга ҳаққи йўқ – чунки сапёр битта ўзининг ҳаётига хавф билан курашса, сиёсатчи минглаб, балки, миллионлаб шу Ватан “сапёр”(фуқаро)лари ҳаёти билан ишлайди, оддий фуқаронинг ҳаққи эса унинг бўйнида бўлади. Ҳақни адо этиш/этмаслик эса сиёсатчининг аслияти хулқли ёки хулқсизлиги – ахлоқ билан белгиланади. *Табиатан ахлоқли сиёсатчи “яхши сапёр”дир, аксинча бўлса, унда бу инсон (аввало тугма етакчи бўлган ёшлар), миллат, давлат, миллий-давлатнинг шўридир.* Табиатан ахлоқсиз сиёсатчилар, ўзлари нўноқ ва калтабин бўлганлари ҳолда авторитар ва тоталитар тузумларни асослашади, ахлоқ эгалари эса ўзларини ҳам, миллатни ҳам бундай тузумлардан “сапёр” каби асрашади, оғир-вазмин “иш”ни бажаришади. Сиёсат ҳам ишдир, сиёсатчилар ишидир. Бунда энг яхши насиҳат ёки йўл-йўриқ энг яхши назариялардир, ёки шундай илм соҳибларидир – тарихдан маълумки, ақл эгалари бундай олимлар хизматидан фойдаланади – буни юқорида кўриб чиқдик. Ўйлашимизча, Г.Киссинжер (аввал сиёсатшунос, сўнг сиёсатчи сифатида) буларни ниҳоятда чуқур ўйлаган бўлиши керак, бўлмаса, сиёсат бўйича бестселлерлар ёзмаган бўларди.

Бундан ташқари, сиёсатдан дарс берувчи ёки фикр билдирувчи ҳар бир муаллим ёки шахс Г.Киссинжерни билиши, асарларини ўқиган бўлиши керак – бу методологик вазифадир. “Дипломатия”ни ўқимаган талаба дипломат бўлолмайди, деган бир қараш ҳам азалдан мавжуд. Худди шунингдек, АҚШ олий таълим муассасаларига оид ижтимоий тармоқлардан маълумки, АҚШ ижтимоий ва сиёсий соҳа талабалари олдида ҳафтасига 500 бет ўқишни вазифа қилиб қўйишади – бизда ҳам шу каби миллий вазифаларни ишлаб чиқиб, таълим жараёнларига жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ваҳолангки, АҚШда барча олий таълим ташкилотларини интеграция қиладиган ва *таълим менежменти* билан шуғулланадиган Олий таълим вазирлиги мавжуд эмас, бизда эса бор. Хуллас, ҳали бу йўналишдаги кенг кўламли тадқиқотлар давом этиши ва ишлатилмай келинаётган жуда ҳам кўп имкониятлар *миллий руҳ* [12, Б.406-411] *асосларини* ишлаб чиқиш, тизимлаштириш йўлида ишлатилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Little Heinz and Big Henry. The New York Times. September 6, 1992.
2. <https://www.nytimes.com/1992/09/06/books/little-heinz-and-big-henry.html>
3. <https://terutia.com/book/master-of-the-game-henry-kissinger-and-the-art-of-middle-east-diplomacy-martin-indyk/9781101947548>
4. <https://www.rbc.ru/politics/13/08/2022>
5. <https://www.goodreads.com/book/show/10887.Kissinger>
6. <https://fivebooks.com/people/books-by-henry-kissinger/>
7. <https://www.google.com/search?>
8. Сиёсий ва ижтимоий фанларнинг тадқиқот ва методологиясида биринчи манба ва адабиётлардан фойдаланиш ва таржима қилиш муаммолари. *Дилшод ШАРИПОВ, Бухоро давлат педагогика институти ўқитувчиси, Бухоро, Ўзбекистон.*
9. Immanuel Kant's Maxims of Peace. Sharipov Dilshod Bakhshilloevich. Lecturer of Bukhara State Pedagogical Institute, Bukhara, Uzbekistan.
10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ВА КИШИЛАР ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА. ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллоевич. *Бухоро давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси.* <https://doi.org/10.5281/zenodo.11504905>. JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES. ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ. ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. II ЖИЛД, 3-СОН. Тошкент. 2024.
11. ГЛОБАЛ ТИНЧЛИК ИЖОДҚОРЛАРИДАН БИРИ (ЗБ.БЖЕЗИНСКИНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ГЕОСТРАТЕГИК КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ РАЦИОНАЛ ВА МЕТОДОЛОГИК МАҒЗИ). Шарипов Дилшод Бахшиллоевич, *Бухоро давлат педагогика институти ўқитувчиси.* “ТА’ЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР: ОЛИМЛАР ВА YОSHЛАР НИГОНИДА” mavzusidagi II Respublika ilmiy-amaliy konferensiya to’plami (2023-yil 13-aprel). Тошкент. 2023.
12. YANGI MA’NAVIY MAKONDA MILLIY RUHNI YARATISH MASALALARI. Sharipov Dilshod Bakhshilloevich, *Buxoro davlat pedagogika instituti “Ijtimoiy fanlar” kafedrasida o’qituvchisi.* “Yangi O‘zbekistonda ma’rifatli shaxs tarbiyasi: muammo va yechimlar”: Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. Toshkent: «Ganjina» nashriyoti, 2023.